

хисоблаш; H_i – зарурий потенциалга эришишда компьютерга маълумотлар киритишининг ҳажмини хисоблаш; dJ_i/dt - янги технологияларни жорий этиш тезлигини аниқлаш; τ_i –янги технологияларни жорий этишнинг минимум вақти; d^2J_i/dt^2 - Маълумотлар киритишини жорий этиш тезлигини ошириш; L_i - тизимни тескари алоқа характеристикаси;

Бу ерда хизмат кўрсатиш даражасини имитация қилишни икки усули қўлланилади.

H_i - аниқликдаги $p_i H_i$ -ва ўлчанган J_i хисоблаш $n_i = J_i/H_i$ га teng.

У ҳолда p'_{ik} прогнозлашни баҳолаб, p'_{it} - янги техника ва технологияларни жорий этишнинг назорат қилиш вақтида баҳолашга кўра қўлланилади.

Критериялар аҳамиятини баҳолашда эса H_{ik} ва n_i орқали хисоблаш мумкин. J_{it} вақтнинг ҳар дақиқасида ҳар-хил хисоблашларда аниқлаш куйидаги кўринишни

$H_{it} = J_{it}/n_i$ олади. Бу жами хисоблашлар дақиқасида жами мос тушувчи ҳолат хисобланади. $n_i, H_{it1}, H_{it2}, \dots, H_{itj}, \dots$ -ҳар-бир аниқлаш критериялари учун хисоблаш ҳажми.

Хулоса қиласиган бўлсак, бошқариш жараёни доимий равища ўзгариб туради. Тизим элементларини ўзаро алоқаси жамланмасини тақдим қиласи, кутилаётган натижага эришишни кам муддат ичиди, кам меҳнат билан молиявий ва иқтисодий сарф ҳаражатни, атроф-муҳитга кам миқдорда зарар келтиришини таъминлайди, комплексли объект каби янги техникага яқинлашишни кўзлайди. У объект тадқиқотини бир бутун деб, бошқа тарафдан эса каттароқ тизимнинг қисми, қўлланилаётган белгиланган муносабатдаги қолган тизимлар ўртасидаги жойлашган таҳлил қилинаётган объект сифатида талқин қилинади. Бу ҳолатда, тизимлилк принципи объект ва предметни ҳар тарафлама қамраб олади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. «Ҳалқ сўзи» газ., 8-февраль 2017 йил.
2. Абдуллаев А.М., Ирматов М.М., Ҳайдаров М.Т., Ашуррова Д.С., Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини прогнозлаштириши: –Т.: ТДИУ, 2006. 159 б.
3. Беркинов Б., Мухитдинов Х.С. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ахборотлашган мулоқат тизими. //Интеллектуализация систем управления и обработки информации: Тез. докл. Меж.нар.науч.конф.8-9 сентябр 1994. –Т.:1994. 197 б.
4. Харин Ю.С., Малюгин В.И., Кирлица В.П. Основы имитационного и статистического моделирования. – Мн.: Дизайн ПРО, 1997. - С. 181-182.
5. Денисов А.А. Современные проблемы системного анализа: Учебник. Изд. 3-е, перераб. и дополн. –СПб.: Изд-во Политехн.ун-та, 2009. – 304 с.

СПОРТ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ СПОРТ НАТИЖАЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Ҳалимов Фурқат Эминжонович –
Тошкент Молия институти,
мустақил изланувчи**

Аннотация: Ушбу мақолада спорт натижаларини мониторинг қилиш ва уларни умумий ўлчамларга келтириши ҳамда уни тақомиллаштириша ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Шунинг билан биргаликда, спорт натижаларини электрон қайд қилиб бориш ахборот тизимини шакллантиришига концептуал ёндашув ва унинг муҳим жиҳатлари алоҳида келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: спорт муассасалари, ахборот тизими, оммавий спорт, Жисмоний тарбия, электрон база, электрон қайдлар, спорт натижалари, спорт ўйинлари.

Аннотация: В данной статье обсуждается использование информационных и коммуникационных систем для мониторинга результатов спорта и их доведения до общих размеров и для их улучшения. В то же время концептуальный подход к формированию информационной системы электронной регистрации результатов спорта и ее важные аспекты выделены.

Ключевые слова: спортивные сооружения, информационная система, массовый спорт, физическое воспитание, электронная база данных, электронные записи, спортивные результаты, спортивные игры.

Resume: This article discusses the use of information and communication systems to monitor sports results and bring them to general dimensions and to improve them. At the same time, a conceptual approach to the formation of an information system for electronic registration of sports results and its important aspects are highlighted.

Key words: sports facilities, information system, mass sport, physical education, electronic database, electronic records, sports results, sports games.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 13-февралдаги 118-сонли қарори билан 2018-2023-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясида жисмоний тарбия ва спортни фаол ривожлантириш, ахолининг барча қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзининг фойдаси ва устунлигини кенг тарғиб қилиш, мамлакатда яратилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт инфратузилмасидан тўлақонли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, янада такомиллаштириш мақсад ва вазифаларига эришиш учун спорт натижаларини мониторинг қилиш ва ютуқларни баҳолаш мақсадида спортчилар фаолиятини рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш бўйича "Skm-sportsmen", тренерларнинг маълумотлар базасини таъминлаш бўйича "Skm-trener" ва республиканинг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ахборот тизимларини ўз ичига олган жисмоний тарбия ва спортнинг миллий интегратсиялаштирилган ахборот тизими ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади.

Спорт натижаларини мониторинг қилиш ва уларни умумий ўлчамларга келтириш нисбатан қийин вазифа, бу иш билан ўзбекистонлик олимлардан Гулямов З.Т., Истомин А.А., Комилова Г.З., Набиуллин Р.Х., Маткаримов Р.М., Азизов Н.Н. [2016], МДҲ мамлакатлари олимларидан М.И. Золотов, В.В. Кузин, М.Е. Кутепов [2004], Мустафина, А.А., Кайгородова, Г.Н., Пуркова, Г.К., Алякина, Д.П., Багаутдинова, Г.Р. [2018], бошқа хорижий давлатлар олимларидан Сун, З. [2015], Профетер, Г. (2020), Хередиа, Н. И., Фернандез, М. Е., Дуранд, С. П., Колл Х. У., Ранжит, Н., ван ден Берг, А.Е. (2020), Жонс, Г. Ж., Карлтон, Т., Хюн, М., Кантерс, М., Босарро, Ж. (2020). Сиеминска, Е.У. (2020), Степанияк М. (2020) каби олим ва амалиётчилар масаланинг айрим жихатларнигина қамраб олишга эришганлар. Аммо спорт фаолияти натижалари ва натижадорлигини мониторинг қилиш ва ҳисоблаш ишлари билан шуғулланган олим ва амалитётчилар учун қуйидаги умумий кам-

чиликларга йўл қўйишган, деб ўйлаймиз:

- Спорт турлариаро умумий ўлчовга келтирилмаганлиги;
- Фақат миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланилганлиги, нисбий кўрсаткичларга кам эътибор берилганлиги;
- Спорт мусобақалариаро бир ўлчовга келтирилмаганлиги;
- Спорт натижаларидан тор доирадаги гуруҳлар учун фойдаланишга харакат қилинганлиги;
- Спорт натижалари кам универсиаллашганлиги;
- Аниқ спортичининг ва спорт клубининг усишини динамик кузатиш имкониятлари чекланганлиги;
- Жамоавий спорт турлари буйича спортчиларнинг трансфер қийматларини аниқлаш имкониятларини очиб беради.

Шунинг билан биргаликда, спорт-таълим муассасаларида спорт натижалари самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш соҳасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериш бўйича илмий-тадқиқотлар салмоғи ҳам кам учрайди. Спорт-таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашга қаратилган ушбу илмий тадқиқот иши обьекти сифатида қабул қилиб олинган Республикада фаолият қўрсатиб келаётган спорт-таълими муассасаларининг умумий сони Ўзбекистон Республикаси Статистика вазирлиги маълумотларига қараганда 2018 йил маълумоти бўйича жами 329 та муассаса фаолият юритган, уларнинг 230 таси болалар ва усмирлар спорт мактаблари, 6 таси олимпия заҳиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 53 таси ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 11 таси олий спорт маҳорати мактаблари, 14 таси спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, 15 таси олимпия заҳиралари коллажлари бўлиб ҳисобланади. Юқори натижалар спорти соҳасидаги қарийб барча вакиллари у ёки бу даражада спорт-таълим муассасаларида таҳсил олишларини инобатга оладиган бўлсақ, спорт натижалари самарадорлигини баҳолаш, кузатиш ва таҳлил қилиб бориш, айниқса натижаларни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида тизимлаштириш муаммола-

рини илмий жиҳатдан ўрганиш ўз долзарб-лигини ҳалигача йўқотган эмас.

Спорт-таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ҳисоблашда биз томонимиздан янги методика тавсия қилинмоқда. Шартли соврин кўрсаткичи (ШСК) деб номланувчи методика спорт-таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришда агар уларнинг электрон ҳисоби тўғри юритилса мавжуд методикалардан қўйидаги устунликлари билан ажralиб туради:

➤ Турли спорт натижаларини умумлаштириш мумкин;

➤ Турли спорт-таълими муассасаларининг фаолияти натижадорлигини ўзаро со-лиштириш мумкин;

➤ Турли даражадаги мусобақалар аҳамиятига сезигирлиги юқори;

➤ Фақат спорт-таълим муассасаларининг эмас, балки асосан спортчиларнинг, шунингдек, тренерлар, спорт секцияларини юритувчи ўқитувчи-инструкторлар ва бошқа персоналнинг фаолиятига баҳо бериш мумкин ва ҳоказо.

➤ Шартли соврин кўрсаткичи (ШСК) барча эришилган спорт натижаларини маълум белгиларига кўра баллар кўринишида агрегация қилиниши орқали ҳисобланади. 50 нафар тренерлар, 50 нафар юқори натижаларга эришган спортчилардан сўровно-

ма ўтказиш натижасида мусобақаларнинг аҳамиятлилик даражаси ва уларда эришилган ютуқлар салмоғини инобатга олганда шартли соврин кўрсаткичи (ШСК) учун баллар тақсимоти қўйидагича бўлишини таклиф этамиз: А) туман, шаҳар, шаҳар туманлари мусобақаларида (3 ўрин - 1 балл, 2 ўрин - 2 балл, 1 ўрин - 3 бал ҳисобидан), Б) вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпогистон Республикаси мусобақаларида (3 ўрин - 5 балл, 2 ўрин - 10 балл, 1 ўрин - 15 бал ҳисобидан), В) Республика миёсидаги мусобақаларда (3 ўрин - 25 балл, 2 ўрин - 50 балл, 1 ўрин - 75 балл ҳисобидан), Г) Минтақавий мусобақаларда (3 ўрин - 100 балл, 2 ўрин - 200 балл, 1 ўрин - 300 бал ҳисобидан), Д) Халқаро мусобақаларда, Жаҳон чемпионатларида (3 ўрин - 500 балл, 2 ўрин - 1000 балл, 1 ўрин - 1500 бал ҳисобидан) эгалланган ўринларни тегишли балларга ўтказилган ҳолда қўшиб чиқилади. Биз томонимиздан тадқиқ қилинаётган спорт-таълим муассасаларининг охирги 10 йиллик спорт натижалари шартли соврин кўрсаткичи (ШСК) орқали ҳисоблаш учун биз томонимиздан Ўзбекистондаги барча спорт-таълим муассасаларининг спорт натижаларини мусобақалар даражаларига саралаш йўли билан қайта тиклашга қарор қилинди. 1-жадвалда ушбу ҳаракатлар маълум натижаларни берди.

1-жадвал

2009-2018 йилларда спорт-таълим муассасаларида шартли соврин кўрсаткичи динамикаси

№	Ташкилот номи	2009 йилда	2010 йилда	2011 йилда	2012 йилда	2013 йилда	2014 йилда	2015 йилда	2016 йилда	2017 йилда	2018 йилда
1	Олимпия захиралари колледжлари	53731	52680	55027	119911	251971	95881	123052	115391	159501	151888
2	Спорт ўйинлари ва енгил атлетика бўйича ИБЎСМ	26858	33675	33512	37233	41216	35876	63245	68009	144829	157984
3	Сув спорти турлари бўйича ИБЎСМ	30614	29506	54189	34461	57068	38252	69829	48559	81936	74692
4	Спорт яккакурашлари бўйича ИБЎСМ	82193	73178	101536	126083	74219	104765	117548	234126	248690	307328
5	Гимнастика бўйича ИБЎСМ	22600	19117	20731	33589	24277	21598	36702	27012	54075	36521
6	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари учун жами	335411	350450	394781	650040	444256	447294	735009	688105	1059228	1151193
7	Футболга ихтисослашган мактаб-интернатлари	29121	34804	23330	31772	40235	39153	42600	50088	45943	43992
8	Олий спорт маҳорати мактаблари	163	191	321	230	648	474	397	376	447	706
	Жами:	580691	593601	683427	1033319	933890	783293	1188382	1231666	1794649	1924304

Манба: Жисмоний-тарбия ва спорт вазирлигининг асосий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Үрганилаётган спорт ташкилотларида шартли соврин курсаткичи кариб 4 барварга ошган, яғни 580691 дан 2018 йилда 1924304 гача етган, энг юқори ўсиш суръатлари олимпия захиралари коллежлари кузатылган, 2009 йилдаги 53731 дан 151888 гача. БҮСМлардан бу курсаткич 335411 дан 1151193 гача купайган, спорт яккакурашлари ИБҮСМларда ҳам юқори ўсишни кузатиш мүмкін 2009 йилдаги 82192 дан 307328 гача.

Ҳар бир спорт иншоотига мос келадиган шартли соврин күрсаткичи (ШСК) 23,33 дан токи 37,31 бирликкача ошиб борган (2-жадвал). Демак, спорт иншоотларидан фойдаланиш даражаси ошганлиги ҳақидаги хуло-

са қилиш мүмкін. Шунингдек, спорт-таълим муассасаларидаги тренерлар сонига нисбатан ҳам, спорт секцияларини юритувчи ўқитувчи-инструкторлар сонига, ўқув гурухлари сонига, шуғулланувчилар сонига, БҮСМ, ЖТЖ, ЖСК шуғулланувчи ўқувчилар сонига нисбатан ҳам мунтазам ошиб борганлигини кузатиш мүмкін. Бизнингча, бу ҳолат фақатгина универсал натижадорликнинг ошиб боришига эмас, балки аҳамиятсизроқ саналған спорт натижадорлиги бўйича тизимли статистиканинг қайд этиб борилмаслиги, натижада янги йиллар учун кўпроқ эсда қолиш, эски йиллар учун эса камроқ эсда сақлаб қолинганлигини натижаси ҳамdir.

2-жадвал

2015-2018 йилларда спорт-таълим муассасаларида шартли соврин күрсаткичининг нисбий миқдорлари

№	Күрсаткичлар	2015 йилда	2016 йилда	2017 йилда	2018 йилда
1	Шартли соврин күрсаткичлари (ШСК)	1188382	1231666	1794649	1924304
2	Спорт иншоотлари сони	50934	50853	51306	51583
3	Ҳар 1 спорт иншоотига мос келувчи ШСК	23.33	24.22	34.98	37.31
4	спорт-таълим муассасаларидаги мураббийлар сони	13957	12536	13153	13533
5	Ҳар 1 мураббийга тўғри келадиган ШСК	85.15	98.25	136.44	142.19
6	Спорт секцияларини юритувчи ўқитувчилар (инструкторлар)	36016	35934	38326	35525
7	Ҳар 1 ўқитувчи (инструктор)га тўғри келадиган ШСК	33.00	34.28	46.83	54.17
8	Ўқув гурухлари сони	28442	26875	26875	23855
9	Ҳар 1 ўқув гурухига мос келувчи ШСК	41.78	45.83	66.78	80.67
10	БҮСМ, ЖТЖ, ЖСК Шуғулланувчи ўқувчилар	357592	347490	372117	366435
11	Ҳар 1 спорт-таълим муассасасига мос келувчи ШСК	3.32	3.54	4.82	5.25

Манба: Жисмоний-тарбия ва спорт вазирлигининг асосий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2014 йилгача спорт-таълим муассасаларидаги тегишли статистик маълумотлар етарли бўлмаганлиги боис 2015 йилдан бошлаб маълумотлардан фойдаланилди. 2-жадвал маълумотларидаги ҳар бир иншоотга тўғри келадиган нисбий универсиял натижадорлик үрганилаётган йилларда ўсиб борган, 23,33 дан 2018 йилда 37,31 бирликкача. Ҳар бир теренерга тўғри келувчи нисбий универсиял натижадорлик 85,15 дан 142,19 гача ошиб борган. Ҳар бир ўқитувчи-инструкторга мос келувчи нисбий универсиял натижадорлик ошиб борган, аммо унинг ўсиш суръати тренерларда бўлгани каби (айниқса 2017, 2018 йилларда) кескин даражаларга мос келмайди. Ўқув гурухларига мос келувчи нисбий универсиял натижадорлик ҳам ўсиб бормоқда. Умумий шуғулланувчилар сонига нисбатан ҳам изчил суръатларни кузатилган, гарчи күрсаткичининг умумий даражаси қониқарсиз бўлса-да. Масалан, ҳар бир шуғулланувчига мос келувчи нисбий шартли соврин күрсат-

кичи (ШСК) 2018 йилда 0,72 ни ташкил этгани ўртacha туман даражасида 3-уринни ҳам эгаллай олмаган, деган холоса қилинади. Янаям аниқроқ қилиб айтсан, эришилган тегишли тарзда қайд қилиб борилмаган.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган шартли соврин күрсаткичи (ШСК) жисмоний тарбия ва спортнинг миллий интеграциялаштирилган ахборот тизими таркибида спортчилар ва хаваскорлар фаолиятини кузатиб бориш ва спорт натижаларини мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилиши керак.

Спорт натижаларини электрон қайд қилиб бориш ахборот тизимини шакллантириш учун **энг асосий қадам** ҳар бир даражадаги жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларининг аҳамиятлилик даражасига қараб ажратиб чиқиш ҳисобланади. Бунинг учун республика миқёсидаги барча тоифа спортчилар, тренерлар, раҳбарлар, функционерлар, журналистлардан сўровномалар ўтказиш йўли билан ҳар бир спорт мусобақаларнинг аҳа-

ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

миятлилик даражаларидан келиб чиқиб шартли соврин кўрсаткичи (ШСК) мезонларини ишлаб чиқиш керак. Бу масалани бирмунча осонлаштириш учун номдор тренерлар, юқори натижаларга эришган спортчилардан сўровнома ўtkазиш натижасида мусобақаларнинг аҳамиятлилик даражаси белгилаб чиқилиши керак.

Иккинчи қадам охирги 20-25 йилда (масалан, мустақиллик йилларидан бошлаб) спортчилар томонидан эришилган натижалар юқоридаги мезонлар доирасида тарихий спорт натижаларини ягона электрон тизимга киритиш керак. Сақлаш ва қайта ишлаш учун базага қуйидаги маълумотлар киритилади: 1 блок-шахсий маълумотлар;

Шахсий маълумотлар блоги					
Спортчининг исми фамилияси ва отасининг исми	Туғилган йили, оий, куни	Аёл, эркак	Спорт тури	Вазн тоифаси	Бошқа маълумотлар

2 блок-дастлабки натижалардан бошлаб ҳозирги давргача барча натижалар шарт-

ли соврин кўрсаткичлари, балларда;

Эришган ютуқлари маълумоти, балларда					
туман, шахар, шахар туманлари мусобақаларида	Совриндор бўлган сана	вилоят, Тошкент шахри, Қаракалпоғистон Республикаси мусобақаларида	Совриндор бўлган сана	Республика миёсидаги мусобақаларда	Совриндор бўлган сана
Бошланиш ва тугаш санаси	Мурраббий исми фамилияси ва отасининг исми Умумий ўрга таълим муассаси	Мурраббий исми фамилияси ва отасининг исми Ўрта маҳсус таълим муассаси	Бошланиш ва тугаш санаси	Минтақавий мусобақаларда	Совриндор бўлган сана
Мурраббий исми фамилияси ва отасининг исми	Бошланиш ва тугаш санаси	Мурраббий исми фамилияси ва отасининг исми	Олий таълим муассаси	Совриндор бўлган сана	Халқаро мусобақаларда, Жаҳон чемпионатларида
Умумий ўрга таълим муассаси	Мурраббий исми фамилияси ва отасининг исми	Ўрта маҳсус таълим муассаси	Бошланиш ва тугаш санаси	Совриндор бўлган сана	Халқаро мусобақаларда, Жаҳон чемпионатларида
Бошланиш ва тугаш санаси	Олий таълим муассаси	Фаолият кириштагаттани муассаса	Фаолият кириштагаттани муассаса	Бошланиш ва тугаш санаси	Совриндор бўлган сана

3 блок-спортчи ҳаёти давомида таҳсил олган ва олаётган (спорт) таълим муассаса-

лари маълумотлари ва спортчини тайёрлаган ва тайёрлаётган тренерлар маълумотлари;

№	таълим муассасаси ва мураббийлар бўйича маълумот													
	Мактабгача таълим муассаси	Бошланиш ва тугаш санаси	Мураббий исми фамилияси ва отасининг исми	Умумий ўрга таълим муассаси	Бошланиш ва тугаш санаси	Мураббий исми фамилияси ва отасининг исми	Ўрта маҳсус таълим муассаси	Бошланиш ва тугаш санаси	Мураббий исми фамилияси ва отасининг исми	Олий таълим муассаси	Бошланиш ва тугаш санаси	Мураббий исми фамилияси ва отасининг исми	Фаолият кириштагаттани муассаса	Бошланиш ва тугаш санаси

4 блок-ҳар бир шартли соврин кўрсаткичи (ШСК)нинг спортчи-таълим муассасаси тренерлар занжири бўйича тақсимланиш маълумоти.

Учинчи қадам ҳар бир ўз ташабbusлари билан шуғулланувчиларнинг, ҳар бир

ҳаваскорларнинг биринчи марта натижага кўрсатганидан бошлаб, “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини 90 % ва ундан юқори натижаларни қайд қилганлар электрон базаси шакллантирилади.

ИҚТІСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Умумий балл	шартли соврин күрсаткичи (ШСК)нинг спортчи-таълим муассасаси-тренерлар орасида тақсимланиши бўйича маълумот, балларда					
	Амалдаги таълим муассаси ёки фаолият кўрсатаётган такилот (10 %)			Шартли соврин күрсаткичи (ШСК)нинг илгариги таълим муассасалари орасида тақсимланиши (10%)		Шартли соврин күрсаткичи (ШСК)нинг илгариги мураббийлар оарсида орасида тақсимланиши (10%)
	Амалдаги мураббий (10 %)	Мактабгача таълим муассаси (лари)	Умумий ўрта таълим муассаси	Ўрта махсус таълим муассаси	Олий таълим муассаси	Фаолият кўрсатаётган муассаса

Тўртинчи қадам, ҳар бир мусобақа ташкилотчилари натижалар чиқа бошлагач маълумотларни ягона электрон базага кири-

та боради. Бунинг учун қуидаги шаклдан фойдаланилади:

№	Спорт тури	Мусобақа даражаси	Аёллар, эркаклар	Ёш тоифаси	Эгалланган ўрин	Совриндорнинг исми фамилияси ва отасининг исми	изоҳ

Киритилган маълумотлар автоматик равишда базада қайта ишланиб шартли соврин кўрсаткичи (ШСК)ни спортчининг ўзига, амалдаги таълим ёки фаолият юритаётган муассасасига, тарихий таълим муассасасига, амалдаги тренерига, тарихий тренерларига тақсимлаб чиқади.

Бешинчи қадам, шартли соврин кўрсаткичи (ШСК) асос қилиб олиниб имтиёзлар ва спорт тоифаларига эга бўлишнинг ички мезонлари тизими ишлаб чиқилади. Масалан, республика даражасидаги мусобақада совриндор бўлолмаган спортчи вилоятлар даражасида 5 марта ёки туман мусобақаларида 25 марта совринларга эга бўлса, ОТМларига грант асосида кириш хуқуқига эга бўлишига рухсат бериш керак. Қандай даражада бўлмасин 400 шартли соврин балига эга бўлган спортчи спорт устаси, 200 шартли соврин балига эга бўлган спортчи эса, спорт усталигига номзод даражасини олиши керак. Ҳудди шунингдек, ушбу мезонлардан мураббийларни моддий рағбатлантириш, турли давлат мукофотларига тавсия қилишда фойдаланилиши керак, деб ўйлаймиз.

Оддий кизикувчи даражасидан токи юқори профессионал даражасигача етгунча натижалар махсус иноформацион порталларда

сакланиши керак, энг асосийси, спортчининг узиши даражасига баҳо берилади, ҳар бир спортчининг узишида ёки пасайишида уни тарбиялаётган мураббийга, спорт секциясига, спорт ташкилотига, туманига, вилоятига баҳо берилади, энг асосийси тренерларни моддий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун асосий мезон булиб ҳисобланади. Спорт турлари аро ракобат кузатиш мумкин булади, спорт ренерларига улар тайёрлаган спортчиларга, спорт мусобақаларининг савиясига баҳо берилади, миллий спортчиларимизни ва тренерларни, спорт менежерларини халкаро миқёсда танитиши имкониятларини очиб беради. Спорт натижаларини қалбаки-лаштириш, хужжатларни қалбаки-лаштириш, фирромликни олди олинади. Спорт статискаси ривожлантирилади. Интенсив Спорт оммавийлигига баҳо бериш имконияти булади. Спорт таълими ва спрот соҳасидаги тадқиқотлар учун ахборот манбаи була олади. Спорт устаси, устасига номзодлар нормативларига боғлаб қўйиш, имкониятлари пайдо булади. Илғор тажрибаларни бўлишиш имкониятларини оширади, тренерлар маҳоратини ошириш ва малакасини оширишга ички туртки беради, спорт менежменти ва маркетинги буйича мутахассислар тайёрлашга зарурият

пайдо қиласи, скаутлик хизматларини ривожланишига шароит яратиши мумкин, спорт тиббиёти соҳасининг фақат натижаларга йўналтирилишига хизмат қилиш мумкин ва ҳоказо. Бундан ташқари, жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича олий таълим муассасалари сиртқи бўлимларига ўқишга қабул қилиш квоталарини кўпайтириш,

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тақдимномаси бўйича республиканинг тренер кадрлар етишмайдиган чекка, тоғли ва чўл туманларидан абитуриентларни имтиёзли ўқишига қабул қилиш учун квоталар ажратиш белгиланди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 й. 25 январь, № 19 (7521) 2 бет.
2. Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ПФ-4947сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. 7 феврал 2017 йил.
3. Гостев, Г.Р. Физическая культура в субъектах Республики Узбекистан: монография / Г.Р. Гостев, А.В. Лотоненко, П.П. Струк. -М.: Теория и практика физической культуры, 2004. - 360 с.
4. Заводская, З.Л. Экономика физической культуры: учебник для вузов / З.Л. Заводская, М.Н. Зозуля, В.В. Золотов. - М.: СпортАкадемПресс, 2001. - 496 с.
5. Кудинова, В.А. Критерии эффективности физкультурно-спортивной работы в субъекте Республики Узбекистан / В.А. Кудинова // Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта. - 2008. - № 4 (38). - С. 42-45.
6. Менеджмент и экономика физической культуры и спорта : учебное пособие / М.И. Золотов, В.В. Кузин, М.Е. Кутепов [и др.]; под ред. С.Г. Сейранова. -М.: Академия, 2004. - 432 с.
7. Новокрещенов, В.В. Управление сферой физической культуры и спорта: правовые и организационные основы взаимодействия: монография / В.В. Новокрещенов. - Ижевск : Изд-во Ижевского гос. техн. ун-та, 2006. - 140 с.
8. В.Л. Сосновский. Совершенствование системы финансирования массовой физической культуры в новосибирской области. Ежеквартальный рецензируемый, реферируемый научный журнал «Вестник ЛГУ». Выпуск 3 (165) 2015.
9. Проблемы развития экономики физической культуры и спорта в условиях формирующегося рынка. Е.В. Имас, Ю.П. Мичуда. Журнал Наука и спорт: современные тенденции. №1. 2013 г.
10. Шакиржанова К.Т., Абдуваликов У.Р., Шакиржанов Т.А. "Жисмоний тарбия васпортдагизулуксизтаълимни ташкил қилиш" Ўқув-услубийкўлланма. Тошкент. УЗДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2012 й.119 бет.
11. Жисмоний-тарбия ва спорт вазирлигининг асосий маълумотлари.
12. <http://www.mitic.uz/ru/stat/2-12>.

ELEKTRON TIJORATDA DOLZARB XAVFSIZLIK MASALALARI

*Isokhuzhaeva Munira Yashnarovna –
G.V.Plehanova nomidagi RIU Toshkent filiali
«Iqtisodiyot nazariya» docenti, iqtisod fanlari nomzodi*

Аннотация. Maqolada O'zbekiston Respublikasida elektron tijoratning dinamikasi va rivojlanish darajasiga ta'sir qiluvchi omillar ko'rib chiqilgan. Elektron tijoratning rivojlanishidagi asosiy omillarni tavsiflovchi ekonometrik tenglamalar tahlili keltirilgan. Barcha omillar qatorida tarmoqdagagi tranzaktsiyalar xavfsizligi elektron tijoratni rivojlantirishga ta'sir qiluvchi eng muhim omil ekanligi aniqlangan. O'tkazilgan sotsiologik tadqiqotlar buni tasdiqlagan.

Asosiy tushunchalar: raqamli iqtisodiyot, elektron tijorat, ekonometrik tenglamalar, Internet, virtual muhit, elektron tijorat, xavfsizlik, infratuzilma.

Аннотация. В статье рассмотрены факторы, влияющие на динамику и уровень развития электронной коммерции в Республике Узбекистан. Проведен анализ эконометрических уравнений, характеризующий основные факторы развития электронной коммерции. Выявлено, что среди всех факторов безопасность транзакций в сети является наиболее важным фактором, влияющим на развитие электронной коммерции. Что подтвердили проведенные социологические исследования.

Ключевые слова: цифровая экономика, электронная коммерция, эконометрические уравнения, сеть Интернет, виртуальная среда, электронная торговля, безопасность, инфраструктура.

Abstract. There considered factors affecting dynamics and level of electronic commerce development in the Republic of Uzbekistan. There conducted econometric equations analysis characterizing main factors of electronic commerce development. There revealed that transactions safety in the network is the most influential factor affecting e-commerce development. Conducted sociological researches proves that.

Key words: digital economy, e-commerce, econometric equations, Internet, virtual environment, e-commerce, security, infrastructure.